

10-10-2019

SOME ISSUES OF INTELLECTUAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN

Maksuda Isroilova

Associate Professor, Department of Anatomy, Doctor of Philosophy (PhD), Tashkent State Dental Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Isroilova, Maksuda (2019) "SOME ISSUES OF INTELLECTUAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 61.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/61>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

SOME ISSUES OF INTELLECTUAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЛОТИН ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-МАДАНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Исроилова Махсуда Нигматуллаевна,

Тошкент давлат стоматология институти “Анатомия” кафедраси доценти, фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мазкур мақолада лотин тилини ўқитишнинг ўзига хосликлари, лотин тилини ўргатиш жараёнида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг назария ва амалиётдаги ҳолати ёритиб берилган. Муаллиф назарий-эмпирик таҳлил натижалари асосида лотин тилини ўқитиш сифатини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Таянч сўзлар: лотин тили, ўқитиш, талаба, интеллект, маданият, ривожлантириш, маданиятлараро мулоқот.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО И КУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ЛАТЫНИ

Доцент, доктор философии (PhD) Исроилова Махсуда Нигматуллаевна Ташкентский государственный стоматологический институт, кафедра Анатомии

Аннотация. В данной статье описаны особенности преподавания латыни, теория и практика интеллектуального и культурного развития студентов в процессе преподавания латинского языка. На основании результатов теоретического и эмпирического анализа автором были внесены предложения по улучшению качества преподавания латинского языка.

Опорные слова. Латинский язык, преподавание, студент, интеллект, культура, развитие, межкультурный диалог

SOME ISSUES OF INTELLECTUAL AND CULTURAL DEVELOPMENT OF STUDENTS IN THE PROCESS OF TEACHING LATIN

Isroilova Maksuda ,

Associate Professor, Department of Anatomy, Doctor of Philosophy (PhD), Tashkent State Dental Institute

Abstract. This article highlights the peculiarities of Latin language teaching, the theory and practice of intellectual and cultural development of students in the teaching of Latin. Based on the results of theoretical and empirical analysis, the author made suggestions and recommendations for improving the quality of teaching Latin.

Reference words: Latin, teaching, student, intellectual, culture, development, intercultural communication.

XX аср бошларида машҳур филолог Ф.Зелинский антик давр маданияти, шу жумладан лотин тилини ўрганишнинг замонавий жамият учун заруриятини асослашга йўналтирилган маърузалар мажмуини яратди. Жумладан, у турли

босқичларда лотин тилини ўқитишнинг мақсади ўша давр билан боғлиқликда аниқлаштирилишига қарамай, ҳамма вақт унинг мақсади интеллект ва маданиятни бойитишдан иборат бўлганлигини таъкидлаб ўтади[1].

Н.Кацманнинг фикрича, олий таълим муассасаларида лотин тилини ўқитиш қуйидаги компетенцияларни шакллантиришга имкон беради:

- талабаларнинг лингвистик денёқарашини кенгайтириш;
- абстракт грамматик фикрлашни ривожлантириш;
- она тили ва хорижий тилларни ўрганишга илмий ёндашув;
- антик маданиятни ўзлаштириш орқали талабаларни умуммаданий ва интеллектуал ривожлантириш[2].

А.Подосинов лотин тилини ўқитишнинг етакчи мақсади индивидуал таълим стратегиясини шакллантириш эканлигини таъкидлаб: “Ушбу очиқ тавсифга эга ва нисбатан осон ўзлаштириладиган тил тизими умумий тарзда тилни ўрганишни ташкил этишга доир кўрғазмали ва қулай тасаввурларни ҳосил қилади ҳамда дунёнинг исталган тилини ўрганишга онгли ёндашиш имконини беради” [3].

Е.Цыркунов талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш учун лотин ва замонавий чет тиллар орасидаги фанлараро алоқадорликнинг муҳимлигини таъкидлаб, “талабаларда ўқув автономлигини шакллантириш, шунингдек, инглиз ва рус тилларини ўқитишда лингвистик компетентликни шакллантириш имконини берадиган” лотин тилини ўқитиш методикасини ишлаб чиққан[4].

Таҳлил натижалари асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришда лотин тилини ўқитиш мақсади қуйидаги компонентларни ўзида акс эттириши лозим, деган хулосага келинди: амалий, интеллектуал, маданий, тарбиявий, ривожлантирувчи.

Лотин тилини ўқитишнинг мақсади ўзида луғат ёрдамида лотин тилидаги матнларни ўқиш учун зарур грамматика ва лексикани ўзлаштиришни акс эттиради. Мазкур мақсаднинг аҳамияти шундаки, лотин тили ва грамматикасини ўрганиш орқали бошқа компонентларни рўёбга чиқариш мумкин. Шу сабабли лотин тили грамматикасини ўрганиш ва антик давр муаллифларининг асарларини ўқишга йўналтириш амалий фаолият тажрибаси билан уйғунлаштирилганда ўзининг самарасини беради. Чунки лексика ва грамматика амалиётсиз жуда тез унутилади.

Лотин тилини ўқитиш бошқа тилларни ўрганиш сингари ўзида мантиқий тафаккур юритиш, тасаввур ва онг бирлиги, фикрий жараёнларни жадаллаштириш каби мақсадларни акс эттиради. Лотин тилини ўқитиш жараёнида бўлажак тиббиёт ходимларида тиббий терминологияни ўзлаштириш, исталган дори воситасининг қўлланилиш соҳаси ҳақида хулоса чиқариш имконияти юзага чиқади.

Лотин тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг интеллектуал-маданий ривожланганлик даражасини дастлабки ҳолатини ташхис этиш қуйидаги режа асосида амалга оширилди: “Лотин тили ва тиббий терминология” фани бўйича тузилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларни таҳлил этиш; илмий-тадқиқот методлари асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожланиш даражасини аниқлаш; аудиториядан ташқари машғулотларнинг орқали талабаларни интеллектуал-маданий ривож-лантириш самарадорлигини баҳолаш.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тили ва тиббий терминология фани олий ҳамширалик иши, стоматология, даволаш иши, педиатрия иши, тиббий биология иши, тиббий профилактика иши бакалавриат йўналишларида ўқитилади. Ўқув-меъерий ҳужжатларда мазкур фанни ўқитишнинг мақсади сифатида талабаларга тиббиётнинг анатомик, клиник ва фармацевтик бўлимларининг асосий тушунчалари ва категорияларини грамматик қонуниятлар асосида ўргатиш ҳамда амалиётда қўллаш кўникмаларини таркиб топтириш белгилаб олинган.

Фаннинг вазифалари сифатида қуйидагилар аниқлаштирилган: талабаларни назарий билимлар бўйича анатомик терминологияда от, урғу қўйиш, отларнинг луғат формаси, сифат, мослашган ва мослашмаган аниқловчи, бирлик ва кўплик формаси, отларнинг турланиши, келишик, сон; клиник терминологияда лотин тилидаги тана аъзоларининг юнон тилидаги вариантини ёдлаш, суффиксация, префиксация, негиз топиш, тўғри ташхис қўйиш ва қонунга бўйсунмаган ташхис қўйиш усуллари; фармакологияда рецептни грамматик жиҳатдан хатосиз ёзиш, феъл, шарт ва буйруқ майли, доривор ўсимликлар, дорилар, кислоталар, тузлар, оксидлар ва афоризмлар тўғрисида мушоҳада юритиш усуллари билан қуроллантириш, фаннинг долзарб муаммоларини очиб бориш, ҳамда лотин тилининг тиббиётдаги ўрни ва роли ҳақида амалий кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўқув дастурларида “Лотин тили ва тиббий терминология асослари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талабалар анатомик билим асослари, клиник ташхис қўйишни тўғри ўрганиши ва рецептни тўғри ёзиш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлиши; анатомик, клиник ва фармацевтик бўлимлар бўйича морфологик, синтактик усулларни билиши ва уларни амалиётда қўллаш; анатомик, клиник ва фармацевтик терминларни амалий машғулотда таҳлил қилиш усулларни қўллаши, хулоса чиқариши, муаммоли вазиятни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотлар тўплами ва улардан фойдаланиши, илмий тушунчаларни тушунтира олиши, муаммоли вазиятлар бўйича ечимларни қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиши кераклиги белгилаб берилган.

Ўқув режасида назарий машғулотларни ўтказиш кўзда тутилмаган бўлиб, фанни ўзлаштириш амалий машғулотлар доирасида ташкил этилади. Амалий машғулотлар жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади: тиббий терминологияга кириш; лотин алифбоси; унли ва ундош харфлар; тана тузилишига тегишли терминлар; урғу қўйиш қонуниятлари; тана тузилиши ва бош қисмга тегишли анатомик терминлар; отлар: грамматик категориялари ва луғат формаси; отнинг турланиши; юз, жағга тегишли суяклар; сифат: грамматик категорияси ва луғат формаси; от билан мослашуви; оғиз бўшлиғига оид анатомик терминлар; мураккаб анатомик терминларнинг турланиши; нафас олиш тизимига оид терминлар; отларнинг келишик кўшимчалари; нафас олиш тизими; сифат даражалари: қиёсий даража (юррак тизими оид); орттирма даража (қон айланиш тизимига оид); анатомик терминларни бирлик формасида ишлатилиши; отларнинг турланиши; бош келишик кўплик формаси (сийдик чиқариш тизими); қаратқич келишик кўплик формаси (суяклар); бош ва қаратқич келишик кўплик формада анатомик

терминларда ишлатилиши (эшитиш тизими); сон: тартиб ва санок сонлар; сўз ясаилиши; морфема; суффиксация (тана тузилиши ва калла суяги (энсага оид, чаккага оид, пешонага оид)); префиксация; клиник терминология; тана тузилиши ва юз-жафга оид клиник терминлар; аъзо ва бош қисмларни ифодаловчи дублетлар ва уларнинг патологиясининг номлари (бош, танглай, тиш); нафас олиш ва юқори қисмга тегишли клиник терминларни тузиш; клиник терминлар (милк ва милкни тузувчи органлар); тўқималар, секретлар, ёшни билдиргувчи ТЕ ва оғиз бўшлиғи тубини ифодаловчи клиник атамалар; сўлак безларини, чайновчи мускулларни ва фаолиятини билдирувчи клиник терминлар; фармакологияга кириш; дори формалари (нафас олиш тизимига тегишли); рецепт структураси ва формаси (юрак тизимига оид); рецептурада таблетка, шам ва кўз плёнкасини ишлатилиши (ёзилиши); рецептурада кимёвий элементлар; кислоталар; рецептурада оксидлар (сийдик чиқарув тизимига тегишли); рецептурада тузлар; катионлар ва анионлар; рецептурада қисқартмалар.

Ўқув дастурлари таҳлили маданий тавсифдаги айрим ўқув материаллари фақат мустақил таълим мавзуларида акс этганлигини кўрсатади: лотинча хикматли сўзлар ва афоризмлар; қадимги Рим маданияти; қадимги Юнон маданияти; Олимпия ўйинлари тарихи; замонавий тилларда лотинчилик (инглиз, француз); алхимия ўрта аср маданиятида ғайри одидий ҳодиса сифатида; халқаро тиббий эмблеманинг тарихи; диний табобат; “Gaudeamus” (Талабалар гимни); тиббиёт ва санъат; қадимги Римнинг атоқли нотиклари; нумизматикада тиббиёт; лотин ва юнон адабиёти ёдгорликларида тиббиёт; тиббиёт ва саломатлик тўғрисида юнон ва лотин эпиграммалар; дунёнинг етти мўжизаси; қадимги рим адиблари; қадимги юнон адиблари.

Лотин тили ва тиббий терминология” фани бўйича тузилган ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуалар таҳлили ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларидаг ўқув жараёнини кузатиш машғулотлар мазмунида маданий тавсифдаги ўқув материалларининг деярли учрамаслигини кўрсатади. Келтирилган маълумотларга кўра, антик давр маданияти ҳодисалари ва далиллари талабаларнинг фақат мустақил ишлари таркибига киритилган. Дастурда келтирилган адабиётлар рўйхатида ҳам мазкур фаннинг маданий тавсифига доир манбалар ўз аксини топмаган.

Педагогика фани эришган ютуқлар талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси билим ва кўникмалар ҳамда уларни ўзлаштириш жараёнида шакланган ақлий ҳаракатлар йиғиндиси, маълум бир даражада янги билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминловчи фикрлаш жараёнида уларга эркин таяниш билан белгиланишини кўрсатади. Талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражасининг мавжуд ҳолати ҳақидаги маълумотлар махсус кузатиш ва психологик-педагогик ташхис методлари ёрдамида аниқлаштирилди.

Тадқиқотга оид назарий материалларга таянган ҳолда, интеллектнинг муҳим сифатлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- тиришқоқлик;
- ақлнинг теранлиги;

- фикрнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги;
- фикрнинг мантикийлиги;
- фикрни далиллаш;
- фикрнинг танқидийлиги;
- фикрлаш доираси.

Мазкур сифатлар ўз навбатида талабаларнинг интеллектуал ривожланиш мезонлари тарзида белгилаб олинди. Ҳар бир мезон бўйича талабаларнинг интеллектуал ривожланишининг мавжуд ҳолатини баҳолашга ёрдам берувчи кўрсаткичлар аниқланди ва сўнгра тест ва анкета сўровномалари ёрдамида миқдорий маълумотлар олинди.

Олинган натижалар таҳлили назорат гуруҳида мотивацион (юқори даража–18%; ўрта даража–47%), ўрганилаётган объектни ҳар томонлама таҳлил этиш (юқори даража–19%; ўрта даража–63%), фикр ва хулосаларни тасдиқловчи далил ва қонуниятлардан фойдаланиш қобилияти (юқори даража–20%; ўрта даража–60%) кўрсаткичлар бошқа мезонлар билан таққослаганда яхши шаклланишини кўрсатди.

Тажриба гуруҳида эса билишга қизиқиш (юқори даража–19%; ўрта даража–48%), нарса-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, асосий фикрни ажратиш, нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни тушуниш (юқори даража–18%; ўрта даража–43%) кўрсаткичлари бўйича юқори натижалар кузатилди.

Иккала гуруҳда ҳам фикрнинг эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги–мавжуд билим ва тажрибадан фойдалана олиш, янги вазият ва муносабатларда объектлардан тезкор фойдалана олиш, юзага келган қийинчиликларни бартараф этиш (назорат гуруҳида– 50% қуйи даража, тажриба гуруҳида–53% қуйи даража); танқидий фикрлаш–фикрлаш фаолияти натижаларини қатъий баҳолаш, нотўғри фикр ва хулосалардан воз кечиш, тузатиш киритиш (назорат гуруҳида –45 % қуйи даража, тажриба гуруҳида–45% қуйи даража); фикрлаш доирасининг кенглиги–фикрий фаолият объектини ҳар томонлама қамраб олиш қобилияти, муқобил қарорлар қабул қила олиш (назорат гуруҳи– 49% қуйи даража, тажриба гуруҳи–43% қуйи даража) каби интеллектуал сифатлар нисбатан суст ривожланган.

Шунингдек, тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларнинг маданий ривожланиш даражаси ўрганилаётган тил билан боғлиқ цивилизацияга доир маданиятни ўзлаштириш жараёни сифатида таҳлил этилди. Олинган натижалар эса, назорат ва тажриба гуруҳларида ҳам талабаларнинг антик давр маданияти тўғрисидаги билим, кўникма ва малакалари етарлича шаклланишини кўрсатди. Иккала гуруҳ респондентларида ҳам бошқа фанлар, бошқа соҳалар билан боғлиқ қадимги юнон-рим маданияти тўғрисидаги маълумотларга эгаллик ва латин тилини амалий фаолиятда қўллаш олиш даражаси нисбатан юқори даражани ташкил этди.

Энг паст кўрсаткичлар маданий артефактлар, фалсафий ва бадиий асарлар муаллифлари, мифология, маросимлар билан боғлиқ мезонларда (назорат гуруҳида –57%дан 73% гача–қуйи даража; тажриба гуруҳида–58 %дан 69 %гача–қуйи даража) яққол кузатилди.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида латин тилини ўқитишга доир аудиториядан ташқари машғулотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- 1) тиббиёт олий таълим тизимида кенг қўлланилаётган талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг аудиториядан ташқари шаклларига илмий-амалий анжуманлар, фан олимпиадалари, факультатив машғулотлар, илмий ишлар танлови, даврий нашрларни киритиш мумкин;
- 2) илмий-амалий анжуманларни ташкил этилишидаги жиддий камчилик уларни фақат талабалар иштироки асосида ўтказилиши, маълумотларинг ўз вақтида етказилмаслиги ва талабаларнинг маърузалар тайёрлаш ва тақдим этиш маданиятининг етарлича таркиб топтирил-маганлиги билан боғлиқ;
- 3) фан олимпиадаларидан ташқари Интернет олимпиадалари ва анжуманлар учун саралаш вазифасини бажарувчи талабаларнинг гуманитар билимларга қизиқишларини рағбатлантирувчи тиббиёт олий таълим муассасаларида латин тили фани бўйича ҳар йили олимпиада ўтказилиши мақсадга мувофиқдир;
- 4) талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга доир танловлар тўғрисидаги ахборотни талабалар Интернет орқали ҳамда кафедралардан олиш имкониятига эга. Бироқ аксарият ҳолларда улар мазкур танловлар ҳақида хабардор бўлишмайди. Ана шу сабабли олий таълим муассасасида ўтказилаётган танловларга кафедралар билан бирга, талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳам ташаббус кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Фақат мазкур тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида бу каби танловлар самарадорлигига эришиш ҳамда талабаларнинг фаол иштирокини таъминлаш мумкин;
- 5) факультатив машғулотлар талабаларни қизиқтирадиган масалалар бўйича ташкил этиладиган таълимни ташкил этишнинг ихтиёрий шакли сифатида ҳозирги вақтда аксарият ОТМларида мавжуд эмас, чунки талабалар ўзларини қизиқтирган ушбу соҳага мос ўқув курсини ўқитувчига таклиф эта олишлари эҳтимоли бўлганда ҳам “пастдан” кўрсатиладиган ташаббус мақсади номаълум; иккинчидан, ўқитувчиларга ўз навбатида факультатив машғулотларни ўтказганликлари учун ҳақ тўланмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур жараёнда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг юқори илмий-интеллектуал салоҳиятидан мазкур ҳолатда тўлиқ фойдаланилмай қолинмоқда. Замонавий фанларнинг, айниқса, фанлараро тавсифга эга бўлган латин тилининг замонавий Европа тиллари, антик давр ва ўрта асрнинг латинзабон маданияти каби йўналишлар асосида ташкил этиладиган факультатив машғулотлар талабаларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун мустаҳкам асос бўлиши мумкин.

References:

1. Zelinskiy F. Drevniy mir i mi. M., 1997.–S.18-19.
2. Katsman N. Metodika prepodavaniya latinskogo yazika.–M., 2003.- S9-24.
3. Podosinov A. Latinskiy yazik v shkole. Istoriya, zadachi i metodika prepodavaniya.–M., 1996.–S.32.
4. Sivkunova E. Formirovanie avtonomnosti studenta lingvisticheskogo vuza na osnove mejdissiplinarnogo vzaimodeystviya uchebnix kursov (angliyskogo i latinskogo yazikov).



Avtoreferat dissertatsii na soiskanie stepeni kandidata pedagogicheskix nauk.–M., 2002.–
S.5.